

---

## ФАРҒОНА МАРКАЗИДА ЯНГИ FERGANA CITY МАЖМУАСИ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳрининг Университет кўчасидаги собиқ Болажон аквапарки ўрнида барпо этилаётган Fergana City мажмуасида қурилиш ишларининг бориши билан танишди.

Савдо маркази, кўнгилочар масканлар ҳамда турар-жойлардан иборат ушбу мажмуа лойиҳаси икки босқичда амалга оширилаётган бўлиб, ҳозирда биринчи босқичда лойиҳа қиймати 77 миллиард сўм бўлган 6 қаватли савдо маркази ҳамда умумий қиймати 120 миллиард сўм бўлган 6 та 9+1 этажли кўп қаватли уйлар қад ростламоқда. Иккинчи босқичда 7 қаватли бизнес маркази ҳамда 11 та кўп қаватлар уйлар барпо этилади.

Савдо марказининг ҳар бир қавати 3 минг м.кв. дан иборат бўлиб, супермаркет, техника ва маиший моллар дўконлари, франшиза асосида фаолият кўрсатувчи бренд бутиклар, овқатланиш шаҳобчаларини ўз ичига олган food court, замонавий фитнес-клуб, кинотеатр ҳамда юқори қаватида очиқ осмон остидаги ресторан фаолияти йўлга қўйилади.

HI-Tech услубида қурилаётган турар-жой биноларида майдони 63 кв.м. дан 209 кв.м. гача бўлган хонадонлар мавжуд.

Мажмуа ҳудуди тўла камера назоратида бўлиб, унинг яшиллик билан қопланган ҳовлисида болалар майдончаси, эковоркаут ҳамда баскетбол майдончалари, 300 автомобилга мўлжалланган автотураргоҳ ҳам ўрин олади.

Вилоят ҳокими мажмуани чиройли ва сифатли қилиб қуриш билан бирга бу объектлар ишга тушганда хизмат турларини кўпайтиришга эътибор қаратиш, аҳолининг бу ерга келиб мазмунли дам олиши учун қулайликлар яратиш бўйича ўз тавсияларини берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-24 08:49:23